**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядоларининг 2015 йил 26 июндаги умумий йиғилиши натижалари бўйича Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркизининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган мухим фактлар**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | “Агробанк” акциядорлик тижорат банки |
| | Қисқартирилган: | “Агробанк” АТБ |
| | Биржа тикерининг номи:* | AGB |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй. |
| | Почта манзили: | 100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй. |
| | Электрон почта манзили:* | headoffice@agrobank.uz |
| | Расмий веб-сайти:* | www.agrobank.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар** |
| | Умумий йиғилиш тури: | йиллик |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 26.06.2015 й. |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 06.07.2015 й. |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй. |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 75,9% |

| N | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | Йиғилиш регламентини тасдиқлаш | 100 | 173542133 | | | | |
| 2. | Банкнинг 2014 молиявий йилдаги фаолият якунлари бўйича ҳисобот ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш | 100 | 173542133 | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 3. | Банкнинг йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида | 97,92 | 169923872 | 2,08 | 3618261 | | |
| | 4. | Банкнинг 2015 йилга ташқи аудиторини тасдиқлаш ҳамда унинг хизмат ҳақи миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида. | 100 | 173542133 | | | | |
| | 5. | Банкнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 173542133 | | | | |
| | 6. | Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида | | | | | | |
| | 7. | Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида | 100 | 173542133 | | | | |
| | 8. | Банк Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида | 100 | 173542133 | | | | |
| | 9. | Банкнинг Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 173542133 | | | | |
| | Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни: | | | | | | | |
| | 1. | Банк акциядорларининг йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича банк Бошқаруви раисига 30 дақиқагача, кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5 дақиқа вақт ажритиш орқали йиғилиш регламенти тасдиқлансин | | | | | | |
| | 2. | 1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг Банкнинг 2014 молиявий йилдаги фаолият якунлари бўйича ҳамда 2015 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.<br>2. Банк Кенгаши зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, омонатчилар, кредиторлар ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банкнинг активлари, мажбуриятлари ва 2015 йил Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда банк Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.<br>3.Банк Бошқаруви (А.Тамикаев) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасида қилган маърузаларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:<br>-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2344-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш;<br>-Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4720-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб банкнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;<br>-банкнинг устав капиталини ошириш мақсадида акцияларнинг янги эмиссиясини чиқариш ва жойлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш; | | | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| | | -банк фойдасини кўпайтириш ҳамда асосий қисмини банкнинг капиталлашувига йўналтириш орқали банк капиталини ошириш;<br>-фаолияти қайта тикланган банкрот корхоналарнинг барқарор лойиҳавий қувватларда ишлашини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш;<br>-ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш юзасидан зарур чораларни кўриш, хусусан корхоналарни мунтазам равишда модернизация қилиб боришга алоҳида эътибор қаратиш ва зарур ҳолларда қўшимча маблағлар ажратиш;<br>-даромад келтирмайдиган активлар (банк балансига олинган ҳамда олинадиган корхоналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, кўчар ва кўчмас мулклар)ни қисқа муддатлар ичида соотилишини таъминлаш, бунда амалдаги қонунчиликда белгиланган барча чораларни кўриш, хусусан, уларни олди-сотди, ижара ва лизинг асосида тўлиқ реализация қилиш механизмларидан кенг фойдаланиш;<br>-Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Ҳукумат комиссияси йиғилиш баёнлари ва Молия вазирлигининг махсус ҳисобрақамлар бўйича операциялар амалга оширилишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни инобатга олинмаган ҳолда солиқ идоралари томонидан банкка нисбатан асоссиз равишда ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифларни мунтазам равишда Ҳукумат комиссиясига киритиб бориш;<br>- банкнинг моддий техник базасини янада мустахкамлаш, мавжуд компютер техника ва ускуналарни босқичма-босқич янгилаш хамда банк фаолиятида замонивий информацион коммуникация тизимларидан фойдаланишни янада кенгайтириш;<br>-аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ҳажмини 30 фоизга ошириш;<br>-банк активлари, шу жумладан кредит портфели сифатини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни кўриб бориш;<br>-нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан берилган баҳоларни мунтазам равишда ошириб бориш чораларини кўриш;<br>-банкнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш хажмини кенгайтириш;<br>-кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш;<br>-аграр секторни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириш, фермерлик харакатини қўллаб қувватлаш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;<br>-банк хизматларининг янги турларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳисобига салоҳиятли мижозларни жалб қилган ҳолда даромадлиликни ошириш;<br>-нақд пул муомаласини такомиллаштириш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш;<br>-“Қарияларни қадрлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш топширилсин.<br>4. Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилишида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда ижросини таъминласин.<br>5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин. |
| | 3. | 1.Якунланган 2014 йил бўйича банк филиаллари баланси асосида олинган жами 30983,6 млн. сўмлик фойда ва 21931,8 млн. зарарлар умумлаштирилганда олинган 9051,7 сўмлик соф фойда миқдори ўзгармаган ҳолда филиалларнинг тегишли даромад ва ҳаражатлари қайта тақсимланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.<br>2.Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи ҳамда банкнинг 2014 йилги 6 142,9 млн. сўм фойдасини қуйидагича тақсимлаш тасдиқлансин:<br>- имтиёзли кредитлаш жамғармасига 1 228,6 млн. сўм, 20,0% ;<br>- умумий захира фондига 4 768,3 млн. сўм, 77,6% ;<br>- имтиёзли акция эгаларига дивиденд сифатида 146,0 млн. сўм, 2,4%;<br>3.Банкнинг бир дона имтиёзли акциясига 292,0 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилансин ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 2015 йил 25 августга қадар ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўловлари амалга оширилсин. |
| | 4. | 1.“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2015 йил фаолияти натижаларини МХХС бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун амалдаги қонунчиликка асосан “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси банк аудитори этиб белгилансин. |

| | | |
|---|---|---|
| | | 2. “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси билан аудиторлик хизмати учун 133000 (бир юз ўттиз уч минг) АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ошмаган миқдоригача шартнома тузиш вазифаси банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин. |
| | 5. | 1.Тафтиш комиссиясининг банкнинг 2014 йилги фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.<br>2.“Агробанк” акциядорлик тижорат банки Бошқарувига Тафтиш комиссияси ҳисоботида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифалари топширилсин.<br>3.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш банк Кенгаши зиммасига юклатилсин. |
| | 6. | 1.Банк Кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:<br>1. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, Кенгаш раиси<br>2. Лавозимига кўра - Молия вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари<br>3. Арипов А.О. - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари<br>4. Эшматов М.Ё. - Марказий банк раисининг ўринбосари<br>5. Омонов Ф.Б. - “Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раиси<br>6. Ганиходжаев Б.Ф. - Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари<br>7. Холмурадов А.А. - Молия вазирлиги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси директори<br>8. Абдуқодиров Б.А. - “Ўзагромашсервис” уюшмаси бошқаруви раиси<br>9. Қудратов Э.К. - “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси раиси<br>10. Каримов Ф.Ф. - “Ўзагросуғурта” компанияси раиси<br>2. Банк Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар банк Кенгаши таркибига киритилган ҳисоблансин. |
| | 7. | Банк тафтиш комиссияси аъзолари янги таркибда тасдиқлансин:<br>1. Закиров Х.У. - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қимматли қоғо ва молия бозори бошқармаси бошлиғи ўринбосари – да активлари бўйича даромадлар тушумини тартибга солиш ва наз қилиш бўлим бошлиғи<br>2. Хайтметов Р.М. - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бухгалтери в.б.<br>3. Касимов М.Х. - “Ўзпахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия ҳисоби ваҳисо бўлими” бош мутахассиси |
| | 8. | 1.Бошқарув раиси Абдивахоб Улашбаевич Тамикаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга 2015 йил 26 июнга қадар узайтирилсин.<br>2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин. |
| | 9. | 1.“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| | | Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш: |

| **Кандидатлар тўғрисида маълумот** | | | | | **Овозлар сони** |
|---|---|---|---|---|---|
| **N** | **Ф.И.Ш.** | **Иш жойи** | **Уларга тегишли акциялар** | | |
| | | | **сони** | **тури** | |
| 1. | Мирзиёев Ш.М. | Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, Кенгаш раиси | | | 177020394 |
| 2. | Лавозимига кўра | Молия вазирининг | | | 177020394 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари | | | |
| | 3. | Арипов А.О. | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг агротехнология масалалари бўйича биринчи ўринбосари | | | 170063872 |
| | 4. | Эшматов М.Ё. | Марказий банк раисининг ўринбосари | | | 177020394 |
| | 5. | Омонов Ф.Б. | “Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раиси | 10160 | имтиёзли | 170063872 |
| | 6. | Ганиходжаев Б.Ф. | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари | | | 177020394 |
| | 7. | Холмурадов А.А. | Молия вазирлиги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси директори | | | 170063872 |
| | 8. | Абдуқодиров Б.А. | “Ўзагромашсервис” уюшмаси бошқаруви раиси | | | 170063872 |
| | 9. | Қудратов Э.К. | “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси раиси | | | 170063872 |
| | 10. | Каримов Ф.Ф. | “Ўзагросуғурта” компанияси раиси | | | 177020394 |
| | Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни** | | | Банк уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар кун тартибига киритилмаган | | |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **31** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитент ўзининг қимматли қоғозлари эгалари олдидаги мажбуриятларини бажариш муддатлари келганлиги** |
| | Эмитент ўзининг қимматли қоғозлари эгалари олдидаги мажбуриятлари таснифи (ҳолат таснифи): | Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни тўлаш |
| | Эмитентнинг тегишли қарор қабул қилган органи: | Банк акциядорларининг умумий йиғилиши |
| | Тегишли қарор қабул қилинган сана: | 26.06.2015й. |
| | Мажбуриятлар ижроси муддатининг бошланиш санаси: | 06.07.2015й. |
| | Мажбуриятлар ижроси муддатининг тугаш санаси: | 25.08.2015й |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **32** | |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш** | |
| | Эмитентнинг қарор қабул қилган органи: | Банк акциядорларининг умумий йиғилиши | |
| | Қарор қабул қилинган сана: | 26.06.2015й. | |
| | Эмитент органи мажлиси (йиғилиши) баённомаси тузилган сана: | 06.07.2015й. | |
| | **Оддий акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш*** | | |
| | бир дона акцияга сўмда: | - | |
| | бир дона акциянинг номинал қийматига (%да): | - | |
| | **Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш*** | | |
| | бир дона акцияга сўмда: | 292,0 сўм | |
| | бир дона акциянинг номинал қийматига (%да): | 25% | |
| | **Бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш *** | | |
| | бир дона қимматли қоғозга (сўмда): | - | |
| | бир дона қимматли қоғознинг номинал қийматига (%да): | - | |
| | Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлашни бошлаш ва тугаш санаси | **Бошлаш санаси** | **Тугаш санаси** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | оддий акциялар бўйича: | - | - |
| | имтиёзли акциялар бўйича: | 06.07.2015й. | 25.08.2015й |
| | бошқа қимматли қоғозлар бўйича: | - | - |
| | Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадни тўлаш шакли (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк): | пул маблағлари | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | | | | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | | **36** | | |
| | Муҳим фактнинг номи: | | **Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар** | | |
| | **Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи** | **Аффилланган шахснинг жойлашган ери (почта манзили), яшаш жойи (давлат, вилоят, шаҳар, туман)** | **Қимматли қоғозлар-нинг сони (пай, улуш-ларнинг миқдори)** | **Қимматли қоғозлар-нинг тури** | **Ҳолат тури** |
| | Абдуллаев М.Р. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Кенгаши таркибидан чиқди |
| | Джиянов Н.Б. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Бошқаруви таркибидан чиқди |
| | Аманов И.С. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Бошқаруви таркибидан чиқди |
| | Арипов А.О. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Кенгаши таркибига киритилди |
| | Зарипов Б.К. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Бошқаруви таркиби киритилди |
| | Уразкулов И.А. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | - | - | Банк Бошқаруви таркиби киритилди |
| | "PremiumLeather" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри | 100% | - | Банкнинг улуши сотилди |
| | Эмитент томонидан аффилланган шахслар рўйхатига тегишли ўзгариш киритилган сана: | | 06.07.2015й. | | |
| | **Аффилланганшахсларрўйхати:** | | | | |

| N | Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи | Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман) | Улар аффил-ланган шахс деб эътироф этилиш асоси | Асос(лар) содир этилган сана |
|---|---|---|---|---|

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | 1. | Мирзиёев Ш.М. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Кенгаши раиси | 06.07.2015й. |
| | 2 | Арипов А.О. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 3 | Эшматов М.Ё. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 4 | Омонов Ф.Б. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 5 | Ганиходжаев Б.Ф. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 6 | Холмурадов А.А. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 7 | Абдуқодиров Б.А. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 8 | Қудратов Э.К. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 9 | Каримов Ф.Ф. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк кенгаши аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 10 | Тамикаев А.У. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви раиси | 06.07.2015й. |
| | 11 | Зарипов Б.К. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари | 06.07.2015й. |
| | 12 | Маматкулов Р.У. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви раиси ўринбосари | 06.07.2015й. |
| | 13 | Уразкулов И.А. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви раиси ўринбосари | 06.07.2015й. |
| | 14 | Шеров А.С. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 15 | Мирзаев Ш.Ш. | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк Бошқаруви аъзоси | 06.07.2015й. |
| | 16 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк устав капиталида 20 фоиздан ортиқ улушга эга | 06.07.2015й. |
| | 17 | "Leader Finance" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 18 | "Agroinvest-Recovery" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 19 | "Fresh Rose" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ўрта чирчиқ тумани | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 20 | "Kokand milk quality" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 21 | Акциядорлик жамияти шаклидаги "Paxta-Lizing" Лизинг компанияси | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 22 | "UTBANK"акциядорлик жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |
| | 23 | "Davr-mashlizing" масъулияти чекланган | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри | Банк жамият устав капиталидаги 20 | 06.07.2015й. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | жамияти | | фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | |
| | 24 | "Улуғбек ишлаб чиқариш таъминот базаси" масъулияти чекланган жамияти | Ўзбекистон Республикаси, Самарқандвилояти, Пастдарғомтумани | Банк жамият устав капиталидаги 20 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилади | 06.07.2015й. |

**Бошқарув раисининг**
**биринчи ўринбосари** **Б.К.Зарипов**

**Бош бухгалтер** **Ш.Ш.Мирзаев**

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган масул
ижрочи Р.Юсупов